

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТАШКЕНБАЕВА ЗАРИНА УЛУГБЕКОВНА**

**ТУРИЗМ СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Ташкенбаева Зарина Улугбековна**

Туризм соҳасида бошқарув ҳисоби ва таҳлилини

такомиллаштириш.....3

**Ташкенбаева Зарина Улугбековна**

Совершенствование управленческого учета и анализа в туристической  
сфере.....29

**Tashkenbaeva Zarina Ulugbekovna**

Improvement of management accounting and analysis in tourism

sector.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....59

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТАШКЕНБАЕВА ЗАРИНА УЛУГБЕКОВНА**

**ТУРИЗМ СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt222 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ибрагимов Абдугапур Каримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Исроилов Баходир Ибрагимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-11-48; e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси.)

**И.Н.Қўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**С.У.Меҳмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**Ж.И.Каримқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Туризм соҳаси халқаро ижтимоий-иқтисодий, маъданий ва маънавий алоқаларни мустақамлашга ўзини ҳиссасини қўшиб, жаҳонда жадал ривожланаётган ва юқори даромад келтирувчи соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бугун жаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра сўнгги йилларда, “мазкур соҳанинг дунё ЯИМдаги улуши ўртача 10 фоизни ташкил қилган ва жаҳон иқтисодиётининг асосий экспорт саноатига айланиб бормоқда. Охириги 40 йил давомида туристлар сони деярли 20 баробарга, туризмдан даромад 60 маротаба ошиб, халқаро туризмдан тушган тушумлар 400 миллиард доллардан ортиқ суммани ташкил этмоқда. Туризм соҳаси 192 миллиондан ортиқ ходимларни иш билан таъминлаб келмоқда, бу эса, ўз навбатида дунё аҳолисининг 8 фоизини ташкил қилади”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, туризм соҳасида рақобатбардошликни доимий тарзда таъминлашда, бошқарув ҳисоби ва таҳлилининг ташкилий-услугий асосларини ишлаб чиқиш муаммоси ва уларнинг туризм корхоналарида йўлга қўйилиши алоҳида долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда иқтисодий механизм бўлиб ҳисобланган бухгалтерия ҳисобига қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотларда асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамият касб этади. Бироқ, туризм соҳасининг ўзига хос хусусиятларини инобатга оладиган бошқарув ҳисоби ва таҳлили етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Бугунги кунда туристик корхоналарида бошқарув ҳисобини шакллантириш объектив заруратга айланди. Биринчидан, ички ва ташқи ҳисобот талабларига жавоб бериши учун харажатлар ҳақида зарур маълумоларнинг тўпланиши лозим бўлади. Иккинчидан, қарор қабул қилиш учун раҳбарларни тегишли ахборот билан таъминлаш зарурати ҳам пайдо бўлади. Учинчидан, режалаштириш, мониторинг ва туристик фирмаларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича зарур маълумотларни тўплаш ва тегишли тарзда тақдим этиши зарурати тақозо қилинади. Бу эса ўз навбатида, тақдим қилинадиган маълумотларни бошқарув ҳисоби орқали тўплаш ва бошқарув таҳлили орқали таҳлил қилиш заруриятини юзага чиқармоқда.

Бугунги кунда республикада туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларда муҳим вазифалар белгилаб берилган, жумладан “2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да ижтимоий соҳани янада ривожлантириш учун – туризмни ривожлантириш, соҳага инвестицияларни жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш вазифаси ўз олдимизга мақсад қилиб қўйилган”<sup>2</sup>. Иқтисодиётда туризмнинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва

<sup>1</sup> <https://www.unwto.org/>. - World Tourism Organization UNWTO расмий сайти.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси. 28.12.2018й., uza.uz

сифатини яхшилашга қаратилган ислоҳотлар жараёнида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш, шунингдек истиқболли ривожланиш дастурларини шакллантиришда кўп жиҳатдан бошқарув ҳисоби ва таҳлил маълумотларига асосланади. Бу ўз навбатида туризм соҳасида бошқарув ҳисоби ва таҳлилинини ислоҳотлар талабларига мос ҳолда такомиллаштириб боришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида", 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида", 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида", 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сонли "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва бошқа ушбу соҳадаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технология ривожланишининг I. "Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий – ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бошқарув ҳисоби ва таҳлилнинг методологик асосларини ўрганиш хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисолалар ва мақолаларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, улардан И.А.Аврова, И.Аверчев, М.А.Вахрушина, Р.Вилл Вандер, R.H.Garrison and E.W.Noreen, К.Друри, М.А. Иванова, Т.В.Козырева, В.Э.Керимов, О.Д.Каверина, Н.П.Кондраков, Т.П.Карпова, Д.Н.Лейкин, В.Ф.Палий, О.В.Рыбакова, Ф.Б.Риполь-Сарагоси, Г.В.Савицкая, Дж.Фостер, Ч.Т.Хорнгрен ва б<sup>3</sup>. Мамлакатимизнинг таниқли иқтисодчи олимларидан

---

<sup>3</sup> Аврова И.А. Управленческий учет. Бератор паблишинг. Москва, 2007, стр.13; И.Аверчев Управленческий учет и отчетность. ВЕРШИНА. Москва, 2009, стр.22; М.А.Вахрушина Бухгалтерский Управленческий анализ, Омега-Л, Москва, 2007, стр.24,30; В.Ф., Палий Р.Вилл Вандер Управленческий учет. – М.: ИНФРА, 1997, стр.478; М.А. Иванова. Бухгалтерский Управленческий учет. Инфра-М. Москва, 2006, стр.6,7; В. Э.Керимов: Управленческий учет в организациях и предприятиях потребительской кооперации. Москва 2005 стр. 20; Лейкин Д.Н. Управление по центрам ответственности// Управление компанией/2005.№7 стр.; Т.В.Козырева Управленческий учёт в туризме. Финансы и статистика. Москва, 2011, стр.5; О.В. Рыбакова Бухгалтерский управленческий учет и управленческое планирование. Финансы и статистика. Москва, 2005, стр.9-10; Т.П.Карпова Управленческий учет. «Аудит» издательское объединение ЮНИТИ. Москва, 1998, стр.33; Каверина О.Д. Управленческий учёт: Системы, методы, процедуры. - М.: Финансы и статистика, 2003, стр.123; Н.П.Кондраков, Колин Друри Управленческий и производственный учет/Пятое издание/ЮНИТИ/Москва, 2016г. стр.6-7; Homgren Ch.T., Foster G. Cost Accounting: A Managerial Emphasis. Seventh Edition. USA. 2001, стр.8; Риполь-Сарагоси Ф.Б. Основы финансового и управленческого учета. - М.: Приор, 2000, стр.9;

А.А.Абдуганиев, Ё.Абдуллаев, Р.Д.Дўстмуратов, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, М.Ю.Рахимов, Ж.А.Тожибоева, К.Б.Ўразов, Б.А.Хасанов., А.Х.Шоалимов ва бошқалар<sup>4</sup>. Ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида бошқарув таҳлили, харажатлар ҳисоби, ишлаб чиқариш ҳисоби ва бошқарув ҳисобини такомиллаштиришнинг умумий жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Мазкур тадқиқотларда асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисоби ва таҳлиliga қаратилган бўлиб, туризм корхоналарида бошқарув ҳисоби ва таҳлиlinи юритиш масалалари яхлит объект сифатида ўрганилмаган. Туризм соҳасида бошқарув ҳисоби ва таҳлилнинг объектив зарурлиги ва унинг етарли даражада тадқиқ қилинмаганлиги мазкур мавзуда илмий иш олиб боришни тақозо қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг илмий тадқиқот ишлари режасида 2017-2018 йилларга мўлжалланган ОТ-А2-31-сонли “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда молиявий таҳлилнинг замонавий усуллари қўллаш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** туризм соҳасида бошқарув ҳисоби ва таҳлиlinинг илмий-назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлиlinинг илмий-назарий ва услубий асосларини очиқ бериш ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва туризм соҳасида хусусиятларини асослаш;

туризм соҳаси корхоналарида бошқарув қарорлари самарадорлигини ошириш мақсадида харажатларни таснифлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

туризм соҳаси корхоналарида харажатларни режалаштириш, прогнозлаш ва бошқариш мақсадида бухгалтерия счёtlарида деталлаштирилган ҳисоб ёзувлари тизимини шакллантириш;

туризм соҳаси корхоналари харажатлари самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг таркибий тузилиши билан боғлиқ таъсирини ҳисоблаш йўллари такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

---

Г.В.Савицкая Методика комплексного анализа хозяйственной деятельности.ИНФРА-М.Москва,2006,стр.14; «Casting and break – even analysis» Managerial Accounting by R.H. Garrison and E.W. Noreen. Washington. 1993,стр.16;

<sup>4</sup>Абдуганиев А.А Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари. – Т.: ТМИ, 2003; Абдуллаев Ё., Иброхимов А., Рахимов М. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. Т.: Мехнат, 2001 – 29 бет; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва кишлок хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. Дис...икт. фан.д-ри. БМА.Т.2002; Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик, Самарқанд, «Зарафшон». 2001,33бет; Рахимов М. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013, 392 бет; Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари. Икт.фан.д-ри. дисс.автореф.БМА.Т.2004, 8-10бет; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: дисс.автореф. ...и.ф.д.-Т.,2004,5бет, Шоалимов А.Х., Тожибоева Ж.А.Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма.. – Т.: ТДИУ, 2003, 6бет.

туризм соҳасида бошқарув ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш йўналишида туристик корхоналар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати ва самарадорлигини ҳамда самарадорлик кўрсаткичларига таъсир этувчи бошқа бир гуруҳ омиллар таъсирини ҳисоблаш йўллари ишлаб чиқиш ва мазкур кўрсаткичларни яхшилаш бўйича ички имкониятларни аниқлаб бошқарув қарорларини қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган туризм корхоналари ва улар билан боғлиқ хўжалик юритувчи субъектлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, туризм корхоналарида бошқарув ҳисоби ва таҳлилини ташкил қилиш, юритиш ва улар билан боғлиқ бўлган муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида назарий ва амалий ўрганиш, тизимли ёндашув, гуруҳлаш, таққослама таҳлил, кузатув, статистик таҳлил, омилли таҳлил, SWOT-таҳлил ва иқтисодий таҳлилнинг бошқа анъанавий усулларида кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“тур” иборасига туризм бизнесида қўлланилиши хусусиятини, “туризм маҳсулоти” иборасига эҳтиёжни кондириш, “туризм операторлари (туроператорлар)” иборасига тарғиб қилиш, “турагентлар” иборасига туроператорлар томонидан ишлаб чиқилган туризм маҳсулотларини сотишдаги иштирокини киритиш асосида такомиллаштирилган таърифи ишлаб чиқилган;

туризм соҳаси корхоналарида турмаҳсулот таннархини калькуляция қилиш ҳамда харажатларни самарали бошқаришда харажатларнинг турлари таркиби аниқлаштирилиб, улар бошқарув ҳисобига мослаштирилган;

туризм корхоналарида ҳисоб маълумотларини молиявий ҳамда бошқарув ҳисобида қўллаш имконини берадиган харажатларнинг аналитик ҳисобини юритиш услуби такомиллаштирилган;

туризм соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар харажатлари самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг таркибий тузилиши ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш йўллари иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

туризм соҳаси корхоналарида харажатларни тавсифланиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

туризм корхоналарида бухгалтерия счётларида деталлаштирилган ҳисоб ёзувлари тизимини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

туризм соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилиш натижасида, уларнинг харажатлари самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи таркибий тузилиши билан боғлиқ омилларнинг таъсирини ҳисоблашнинг такомиллашган методикаси ишлаб чиқилган;

туризм соҳаси корхоналари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати ва самарадорлигини ҳамда уларга таъсир этувчи бир гуруҳ омиллар таъсирини ҳисоблаш йўллари такомиллаштирилган ва мазкур



кўрсаткичларни яхшилаш бўйича ички имкониятлардан фойдаланиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш тартиби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** қўлланилган илмий ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилот томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан туризм соҳасида бошқарув ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туризм соҳасида бошқарув ҳисоби ва таҳлилини амалга ошириш эвазига соҳанинг самарадорлигини ошириш борасидаги мавжуд ички имкониятларни топиш йўлларининг ишлаб чиқилганлиги, уларни амалиётга қўллаш услубиётининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Туризм соҳасида бошқарув ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадқиқот ишида туризм бизнесида қўлланилиши тавсия қилинган “тур”, “туризм маҳсулоти”, “туризм операторлари (туроператорлар)”, “турагентлар” каби туризм иборалари ва уларнинг такомиллашган таърифлари Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирининг 3-моддаси “Асосий тушунчалар” қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 21 ноябрдаги 05-22/7416-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш ва тушунчаларга аниқлик киритишга хизмат қилган;

туризм корхоналарда харажатларнинг турларига аниқлик киритиш ва уларни таснифлаш, бошқариш жараёнида тежаш имкониятларидан фойдаланиш йўлларини такомиллаштириш бўйича берилган таклифи “ASIA TOUR” туристик корхонаси амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 21 ноябрдаги 05-22/7416-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи харажатларни бошқариш бўйича самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини берган. Натижада харажатларнинг умумий ҳажми 2018 йилда 2,27 фоизга камайган;

туризм корхоналарда ҳисоб маълумотлари асосида таннархни калькуляция қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда молиявий ва бошқарув ҳисобини юритишда қўллаш имконини берадиган аналитик ҳисоб тизимини жорий қилиш таклифи “Luxury Asia” туристик корхонаси амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни

ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 21 ноябрдаги 05-22/7416-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётда қўлланилиши харажатларни режалаштириш ҳамда электрон тизим орқали назорат қилиш самарадорлигини оширишга ёрдам берган;

туризм соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар харажатлари самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг таркибий тузилиши билан боғлиқ омилларнинг таъсирини ҳисоблаш йўллари тақомиллаштириш ва омилли таҳлил натижасида бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича берилган таклифи “ASIA TOUR” туристик корхонаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 21 ноябрдаги 05-22/7416-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қўлланилиши натижасида, туристик корхонада харажатлар самарадорлигини оширишга турфирма рентабеллик коэффициенти, битта туристга тўғри келадиган хизматлар ҳажми, битта ходимга тўғри келадиган туристлар сони, харажатларнинг ходимлар билан таъминланганлик даражасининг таъсирини аниқлаш ва омилли таҳлил натижаси бўйича ижобий таъсир қилган омилларни янада кучайтириш, салбий таъсир қилган омилларни ижобий тарафга ўзгартириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти яратилган. Натижада 2018 йилда харажатлар самарадорлиги 1,9 фоиз ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (8 та республика ва 2 та хорижий журналда) ва 12 та тезислар (5 та халқаро ва 7 та республика) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлилининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, ўзаро боғлиқлиги, хусусиятлари ва уларнинг туризм корхоналарини боқаришдаги роли”** деб номланган биринчи бобда бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлилининг илмий мактаблари, ушбу йўналишларда тадқиқот олиб борган олимларнинг илмий ишлари ва ғоялари, бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлилининг ўзаро боғлиқлиги, хусусиятлари ва уларнинг туризм ташкилотларни боқаришдаги роли, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини барқарорлаштиришда туризм соҳасининг тутган ўрни, ўзига хос жиҳатлари, республикада туризм соҳасига оид статистик маълумотлар таҳлили амалга оширилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш ҳамда уни замонавий даражага олиб чиқадиган кадрларни тайёрлаш, туризм фаолият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, туризм корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда турмахсулот таннархини камайтириш муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Туризм корхоналари фаолиятида иқтисодий эркинликнинг таъминланиши эркин рақобат муҳитини шакллантиради. Бу учун эса туризм ташкилотларда давлат буюртмаси, уни боқаришда ва назорат қилишда давлатнинг аралашуви камроқ бўлиши лозим. Бу борада кўпгина ишлар қилинмоқда. Жуда кўп тадбирларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлигини кафолатловчи бир қанча қонунлар қабул қилинди. Мазкур масала мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишни ўзида мужассам этган Ҳаракатлар стратегиясида<sup>5</sup> қатъий қўйилган ва унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган иқтисодиётни эркинлаштириш ва рақобат муҳитини такомиллаштириш юзасидан бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ушбу қонуний ва меъёрий ҳужжатларнинг ҳаммаси мамлакатимизда рақобат муҳитини яратишга қаратилганлиги туфайли барча соҳалар сингари туризм соҳасида ҳам эркин рақобат муҳити яратилади, бу бир қанча муҳим қонуниятларни амалга оширади ва тартибга солади. Булар жумласига туризм инфратузилманинг яратилиши, уларнинг ҳудудлар бўйича туристлар

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармони “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Lex.uz

ташрифнинг ташкил қилиниши, ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасидаги мутаносибликни назорат қилиши кабиларни киритиш мумкин. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикасида туристик фирма ва ташкилотлар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари келтирилган. (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида туристик фирма ва ташкилотлар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари<sup>6</sup>**

Кўрсаткичлар	2014й	2015й	2016й	2017й	2018й
Туристтик фаолиятни амалга оширган фирма ва ташкилотлар сони, бирликда	343	398	433	449	502
Хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони, минг киши	514,1	560,4	465,4	670,0	713,2
Аҳолига сотилган сайёҳлик йўлланмалари, млн. сўм	78865,1	72380,3	99431,3	146364,8	252969,2
Туристтик фирма ва ташкилотлар ходимлари сони (ўриндошларсиз), киши	-	-	1945	2061	2486
Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони	613	661	750	816	916

Статистик маълумотларига асосан, 2018 йилда 502 та туристик фирма ва ташкилотлар фаолият юритган. Охириги 5 йил ичида турфирмаларнинг сони 46,3 фоизга ошди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда туризм фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик тизими етарли даражада ривожланган эмас. Бугунги кунда “Туризм тўғрисида”ги қонунни такомиллаштириш мақсадида янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Унга мувофиқ туризм соҳасида қўлланилиши тавсия қилинган бир қанча атамалар таклиф этилган.

**туризм маҳсулоти** – турист ва экскурсантнинг эҳтиёжини қондириш учун етарли бўлган туризм хизматлари мажмуаси;

**тур** – туризм хизматларининг мажмуи ёки қисми билан таъминланган, белгиланган йўналиш дастури бўйича аниқ муддатлардаги саёҳат;

**туризм операторлари (туроператорлар)** – туризм маҳсулотларини шакллантирувчи, тарғиб қилувчи ва сотувчи туризм фаолияти субъектлари;

**туризм агентлари (турагентлар)** – туроператорлар томонидан ишлаб чиқилган туризм маҳсулотларини тарғиб қилувчи ва сотувчи туризм фаолияти субъектлари.

Туризм соҳасининг охириги пайтларда фаол ривожланиши, туризм корхоналарида бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлилининг услубий ва ташкилий асосларини ишлаб чиқиш муаммосини бугунги кунда долзарб масалага айлангирди. Шунга кўра, бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлилининг иқтисодий моҳияти ва улар ўртасидаги алоқасига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари.

Бу борада кўпгина хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчилари тадқиқотлар олиб борган, аммо улар ўзларининг ишларида ушбу фанларни ўзаро боғлиқлиги ҳамда туризм соҳасининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб етарли даражада тадқиқ қилмаганлар.

Бизнинг фикримизча, бошқарув ҳисоби ва таҳлил тизимини татбиқ қилиш, келажакда иқтисодий ва барқарор ривожланиш имконини берадиган натижаларга олиб келади. Шунинг учун ҳам, бизнесни, шу жумладан туризм бизнесини юритишда, бошқарув ҳисоби ва таҳлилин амалиётда йўлга қўйилиши қилиш жуда муҳим тадбир бўлиб ҳисобланади.

Бошқарув ҳисобининг туризм соҳасида асоси бўлиб, туризм корхоналар харажатлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, ҳамда, туризм маҳсулотлари таннархини калкуляция қилиш, корхонанинг маъмурияти, мулк эгалари ва меҳнат жамоаси учун тегишли ахборотларни йиғишга қаратилган. Бундан мақсад, тезкор ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишдир. Бу ҳолатга эришиш учун бошқарув таҳлилин ўтказиш лозим бўлади. Демак, бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлили бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган иқтисодий дастаклардир. Уларнинг бир-бири билан алоқаси қуйидаги чизмада ўз аксини топган (1-расм).




**1-расм. Бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлилининг бир-бирига боғлиқлик жараёни<sup>7</sup>**

<sup>7</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, самарали ва таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун албатта бошқарув ҳисоби орқали ахборотлар тўпланади ва улар умумлаштирилиб бошқарув таҳлили амалга оширилади. Охирги босқичда бошқарув қарорлари қабул қилинади. Ушбу боғлиқликда бирорта жараёни тушуриб қолдириш мумкин эмас. Айнан шу туфайли ҳам, бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлили бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ, деган хулоса қилиш учун ҳам асос бўлади.

Бошқарув ҳисоби мустақил бошқарув таҳлили билан, бошқарув таҳлили эса, объектни бевосита бошқариш билан боғлиқдир. Ушбу боғлиқликни қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз (2-расм).



*A - бошқарув ҳисоби натижасида бошқарув таҳлили учун тўплаб берадиган жамланган ахборотлар.*

*B – бошқарув таҳлили натижасида объектни бошқариш мақсадида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бериладиган ҳисоб-китоблар мажмуи.*

## **2-расм. Бошқарув ҳисоби, бошқарув таҳлили ва объектни бошқариш ўртасидаги ўзаро алоқалар<sup>8</sup>**

Бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлили корxonанинг ички фойдаланувчилари учун қуйидаги бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли ахборотларни тайёрлаб беради. Айнан туризм соҳаси корxonаларида қуйидаги қарорлар қабул қилиниши мумкин:

1. Туризм маҳсулотдан қанча ҳажмда ишлаб чиқариш мумкинлиги тўғрисида.

2. Туризм маҳсулотини қанчадан сотишини белгилаш ҳақида.

3. Сотиладиган туризм маҳсулотга қандай баҳо қўйиш лозимлиги тўғрисида.

4. Жиҳозларни алмаштириш лозимми ёки ишлатишда давом этавериш кераклигини асослаш борасида.

5. Туризм маҳсулотнинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш ҳақида.

6. Қайси ходимнинг малакасини ошириш ёки қайтадан тайёрлаш, янги технологияга мос кадрларни ўқитиш ҳақида.

7. Жамоани бошқариш, ишни ташкил қилиш бўйича тегишли ўзгартиришлар киритиш мумкинлиги тўғрисида ва бошқалар.

Мазкур қарорларни қабул қилиш учун туризм корxона бошқарувчиларига керакли ахборотлар зарур бўлади. Бундай ахборотлар фақат, бошқарув ҳисоби маълумотларини умумлаштириб, тегишли ҳисоб-китобларни амалга ошириб берадиган бошқарув таҳлили орқали амалга оширилади.


<sup>8</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Демак, бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлили бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқликда ва уйғунликда амалга оширилар экан. Шу жиҳатдан мамлакатимизда бошқарув ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш мамлакатимиз иқтисодиёти учун доимий равишда давом этадиган муҳим жараён дур.

Диссертациянинг “Туризм соҳаси корхоналарида бошқарув ҳисоби ва таҳлилининг услубий жиҳатлари” деб номланган иккинчи бобида туризм соҳасининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда харажатларни таснифлаш ва ҳисобга олиш, туризм корхоналари бошқарув ҳисоби тизимида ҳисоб ёзувларининг услуби ишлаб чиқилган.

Харажатлар ҳисоби ва турмаҳсулот таннархини калкуляция қилиш туризм бизнесида бошқарув ҳисобини ташкил қилишда муҳим вазибаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Туризм ташкилотлари фаолиятининг муваффақияти тўғридан-тўғри амалга оширилган харажатларнинг мақсадига боғлиқ бўлиб, ушбу харажатларни камайтириш мақсадида, уларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш муҳим жараён бўлиб ҳисобланади. Самарали қарорларни қабул қилиш учун ахборотлар базасини ташкил қилиш асоси бўлиб харажатларни таснифлаш бўлиб ҳисобланади, чунки менежерлар қарорлар қабул қилишларидан олдин авваламбор қандай харажатлар ва даромадлар кўришларини билишлари лозим.

Турмаҳсулот таннархига киритилишига қараб ишлаб чиқариш харажатлари бевосита (тўғри) ва билвосита(эгри) харажатларга бўлинади.



**3-расм. Турмаҳсулотларни шакллантиришда бошқа ташкилотлардан хизматларга бўлган ҳуқуқларни сотиб олиш бўйича харажатларнинг таркиби, фоизда<sup>9</sup>**

Айнан туризм корхоналарида бевосита харажатларга, бошқа ташкилотлардан туристик хизматларни кўрсатишда фойдаланиладиган хизматларга бўлган ҳуқуқларни сотиб олиш, (3-расм), шунингдек, тўғри меҳнат харажатлари ижтимоий ажратмалар билан бирга киритилади. Улар 2000 “Асосий ишлаб чиқариш” счётининг дебетида ҳисобга олинади.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари

Билвоста (эгри) харажатлар юзага келиш вақтида калькуляция объектига бевосита киритилиши мумкин бўлмаган туризм маҳсулотнинг бир неча турли хил турларини шакллантириш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлардир.

Эгри харажатлар тегишли ҳисоб-китоб йўли билан туризм маҳсулотнинг турлари ўртасида тақсимланади, бунда тақсимлаш учун иқтисодий база сифатида тўғри харажатларнинг алоҳида тури, масалан асосий ходимларнинг иш ҳақи тўлови, яъни иш ҳақининг тўғри харажатлар деб тан олинган қисми олинади.

Эгри харажатлар одатда, 2500 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётида ҳисобга олинган умумишлаб чиқариш харажатларини ўз ичига олади ва 2500 счётадаги харажатлар тегишли тарздаги тақсимланишдан сўнг 2000 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти орқали кўрсатилган хизматлар алоҳида турларининг таннархига олиб борилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бундай тақсимлаш молиявий ҳисобдаги харажатлар ҳисобининг анъанавий тизимида мавжуддир. Бошқарув ҳисобида эса, туризм ташкилоти ўз олдига қўйилган бошқарув вазифаларига қараб, мустақил равишда ўзи турмаҳсулотни калькуляция қилиш усулини белгилаб олади. Масалан, директ-костинг усулини қўллашда, турмаҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўзгарувчан харажатлар асосида амалга оширилади.

Калькуляция қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда харажатларни ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиш жуда муҳимдир. Шунинг учун ҳам, туризм ташкилотларида билвосита (эгри) харажатларни ҳаракатини ўрганишда тадқиқот ишимизда доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг деталлаштирилган таркиби кўриб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Туризмда билвосита (эгри) харажатларнинг таркиби<sup>10</sup>**

<b>Ўзгарувчан харажатлар</b>	<b>Доимий харажатлар</b>
<p><b>Турмаҳсулот айланмасидан иш ҳақи фонди;</b>  <b>Транспорт харажатлари:</b>                      - иш ҳақи;                      - автомобил ижараси;                      - ёқилғи –мойлаш материаллари, таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар;                      - мижозларга етказиб бериш харажатлари;                      - филиалларга етказиб бериш харажатлари;                      - бошқа харажатлар (автотураргоҳга кириш, чиқиш ва ҳ.к.).  <b>Шартнома комиссияси;</b>  <b>Мижозларни рағбатлантириш;</b></p>	<p><b>Иш ҳақи фонди:</b>                      - менежерлар ва ходимлар иш ҳақи ва мукофотлари(ҳайдовчилардан ташқари );                      - иш ҳақи фондидан солиқлар.  <b>Ижтимоий харажатлар;</b>  <b>Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари;</b>  <b>Бино ва иншоотларни таъмирлаш харажатлари:</b>                      - кўчмас мулк ва ер ижараси;                      - тозалаш, коммунал ва маиший харажатлар;                      - биноларни таъмирлаш, ремонт ва реконструкция қилиш харажатлари.  <b>Хавфсизлик хизматлари;</b>  <b>Алоқа хизматлари:</b>                      - маҳаллий алоқа операторлари;                      - мобил телефонлар учун тўлов;</p>

<sup>10</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



<p><b>Банк хизматлари:</b>  - инкассация;  - фойзлар бўйича йўқотишлар.  <b>Полиграфия хизматлари;</b>  <b>Солиқлар.</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- интернет учун тўлов;</li> <li>- почта хизматлари.</li> </ul> <p><b>Вакиллик харажатлари</b>  хорижий делегациялар учун:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ҳамкорларга совғалар;</li> <li>- бошқалар.</li> </ul> <p><b>Хизмат сафарлари харажатлари:</b>  - Ўзбекистон Республикаси ташқарисида;  - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида.</p> <p><b>Турмаҳсулотларни тарғиб қилиш харажатлари:</b>  - маркетинг;  - реклама.</p> <p><b>Банк хизматлари:</b>  - банк комиссияси;  - бошқа харажатлар.</p> <p><b>Транспорт харажатлари:</b>  - турфирма штатида ҳисобга олинган ҳайдовчиларнинг иш ҳақи;  - автомобил ижараси;  - ёқилғи-мойлаш материаллари, таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар;  - суғурта харажатлари.</p> <p><b>Асосий воситаларни таъмирлаш:</b>  - машина ва ускуналар, офис жиҳозлари, компьютерлар;  - ускуналар ижараси;  - бошқалар.</p> <p><b>Инвентар ва хўжалик жиҳозларини сотиб олиш:</b>  - инвентар ва хўжалик жиҳозлари;  - канцтоварлар.</p> <p><b>Товарларни сертификация қилишга бўлган харажатлар;</b></p> <p><b>Консалтинг хизматлари:</b>  - аудиторлар, юридик хизматлар;  - бошқа хизматлар.</p> <p><b>Солиқлар</b>  <b>Жарималар</b></p>
--	---

Муаллифнинг фикрича, таклиф қилинаётган харажатларнинг гуруҳланиши туристик ишлаб чиқаришда зарарсизлик нуқтасини прогноз қилишда ва таҳлил қилишда ҳамда харажатларни бошқаришда ва баҳони ташкил этишда фойдаланилиши мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида маълумотлар базасини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Фикримизча, харажатларни прогноз қилиш, уларни режалаштириш, таҳлил қилиш ҳамда бошқариш учун бухгалтерия ҳисоби сўҳтларида деталлаштирилган ҳисоб ёзувлари тизими бўлиши керак. Бу бошқарув ҳисоби мақсадлари учун ишончли маълумотлар базаси сифатида хизмат қилади. Шу сабабли ҳам, бундай тизимни яратиш мазкур тадқиқотнинг

вазифаси сифатида белгинган. Бунда ҳисоб тизими норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, туризм соҳасида, бухгалтерия ҳисобининг счётларида ҳисоб ёзувларини юритиш жараёни ишлаб чиқариш корхоналаридаги мазкур жараёни юритиш тартибидан кескин фарқ қилмайди. Туризм бизнесининг ўзига хослиги тўғрисида гап борар экан, туризм маҳсулот таннархини ҳисоблаш усулига урғу бериб ўтиш лозим. Турмаҳсулотнинг ишлаб чиқариш ва тўлиқ таннархини тўғри ҳисоблаш учун, маълум тартибда харажатларни таснифловчи аниқ ташкил этилган ҳисоб тизими бўлиши лозим. Таснифлаш тизими харажатларни дифференциаллаш, турмаҳсулот таннархини ҳисоблашда ҳамда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ва тўлиқ таннархини аниқлашда маълумотлар базаси сифатида хизмат қилади.

Таклиф қилинаётган туризм корхоналарида харажатларни таснифлашга ҳамда доимий ва ўзгарувчан харажатлар таркибига таянган ҳолда, мазкур тадқиқот ишида туризм корхоналарида қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби счётлар тизимини ёритиш лозим.

Туризм ташкилотларида, харажатлар ҳисоби учун куйидаги счётлар қўлланилади: 2000 “Асосий ишлаб чиқариш”, 2500 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”, 9400 “Давр харажатлари”, 3100 “Келгуси давр харажатлари”, 9410 “Сотиш бўйича харажатлар”.

### 3-жадвал

#### Туризм корхоналарда бошқарув ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб ёзувлари тизими<sup>11</sup>

Харажатлар тури	Ҳисоб ёзувлари счётлари
<i>Таннархни калькуляция қилиш ва баҳолаш мақсадида:</i>	
<b>Ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий роли бўйича:</b> - асосий - устама	2000 Асосий ишлаб чиқариш 2500 Умумишлаб чиқариш харажатлар
<b>Таннархга киритилиши бўйича:</b> - бевосита (тўғри); - билвосита (эгри).	2000 Асосий ишлаб чиқариш 2500 Умумишлаб чиқариш харажатлар, 9400 Давр харажатлари
<b>Харажатларнинг келиб чиқиш вақти ва уларнинг таннархга олиб борилишини ҳисобга олган ҳолда:</b> - жорий  - келгуси давр харажатлари	2000 Асосий ишлаб чиқариш, 2500 Умумишлаб чиқариш харажатлар, 9400 Давр харажатлари 3100 Келгуси давр харажатлари
<i>Бошқарув қарорларини режалаштириш ва қабул қилиш мақсадида:</i>	
<b>Ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан:</b> - доимий  - ўзгарувчан, ярим ўзгарувчан	2500 Умумишлаб чиқариш харажатлар, 9400 Давр харажатлари 2000 Асосий ишлаб чиқариш, 2500 Умумишлаб чиқариш харажатлар

<sup>11</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<p><b>Қабул қилинадиган қарорларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳолда:</b> релевант и норелевант</p>	<p>2000 Асосий ишлаб чиқариш 3100 Келгуси давр харажатлари</p>
---	--

Тадқиқот ишимизда таклиф этилаётган бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида харажатларни кодлаш тизими оддий ва қулай ҳисобланади шунингдек, мақсадли харажатлар нуктаи назаридан керакли бўлган харажатлар тўғрисида маълумотларни йиғиб боришга хизмат қилади. Туризм ташкилотларида бошқарув ҳисоби мақсадлари учун таклиф қилинган харажатлар таснифи билан ҳисоб ёзувлари тизими 3-жадвалда кўрсатилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, диссертация тадқиқотининг мазкур саволида ҳам алоҳида эътибор ҳисоб ёзувлари тизимига бошқарув ҳисобининг мақсадлари учун қаратилмоқда. Демак, бухгалтерия ҳисоби шундай ташкил этилган бўлиши керакки, бунда хўжалик операцияларнинг дастлабки ҳужжатлаштирилиши бошқарув ҳисоби учун ахборот базаси сифатида хизмат қилиши лозим. Бундай масаланинг ечими, туризм ташкилотларининг бўлинмаларида харажатларни гуруҳлашнинг аналитик ҳисобини жорий этиш йўли билан эришиш мумкин.

2000 “Асосий ишлаб чиқариш” счёти бўйича аналитик ҳисобни турмахсулот турлари бўйича, бўлинмалари бўйича ва фаолият йўналиши бўйича олиб бориш керак. Ушбу принцип ички бошқарув ҳисоботини тузиш учун қўлланилади. Бунда ички тартибга солиш ҳужжатлари билан қуйидагиларни бажариш лозим:

- ташкилот тузилишини аниқлаш;
- бўлинмаларни ажратиш;
- уларнинг рақамларини киритиш;
- қўлланиладиган харажатлар таснифланишини тасдиқлаш;
- компьютердаги бухгалтерия дастурига моддалар гуруҳларининг аналитик номланишини киритиш.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби жавобгарлик марказлари кесимида харажатлар турлари бўйича тизимлаштирилади.

Эҳтимол бу кўп меҳнатни талаб этадиган жараёндир, лекин у фақат бир марта амалга оширилади ва қуйидаги натижаларга эришилади:

- хоҳлаган пайтда турмахсулот таннархи тўғрисида маълумотга эга бўлиш;
- бухгалтерия счётларининг ахборот имкониятини таъминлаш.

Бу натижалар туризм корхоналарни оператив бошқаришда жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизга мисол тариқасида, тоғ чаналарида учиб бўйича инструктор иш ҳақининг ҳисобланиши, бўлинмалар бўйича ошпаз ва рецепшионист иш ҳақиларининг ҳисобланиши жавобгарлик марказларини “канат йўли”, “ошхона”, “меҳмонхона” 1, 2, 3, кўринишида белгиласак, ДТ 2010, КТ 6710 ҳисоб ёзуви, қуйидаги аналитик ёзувларидан таркиб топади:

*Дебет 2011 (“канат йўли” бўлинмаси иш ҳақининг ўзгарувчан қисми)*

*Кредит 6710—инструктор иш ҳақи*

*Дебет 2012 (“ошхона” бўлинмаси иш ҳақининг ўзгарувчан қисми)*

*Кредит 6710 – ошпаз иш ҳақи*

*Дебет 2013 (“меҳмонхона” бўлинмаси иш ҳақининг ўзгарувчан қисми)*

*Кредит 6710– рецепционист иш ҳақи*

#### **4-расм. Туризм корхоналарида аналитик счётлар корреспонденцияси<sup>12</sup>**

Туризм корхоналарида 2500 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” счётида, молиявий ва бошқарув ҳисоби мақсадларини бирлаштириш учун турмахсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ эгри харажатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, ҳисобот даври давомида 2500 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” счётида ўзгарувчан ва доимий харажатлар кесимида туризм корхоналарининг эгри харажатлари таркиби тўғрисидаги маълумотлар йиғиб борилади.

Туризм корхоналарида харажатлар турлари бўйича аналитик ҳисобни ташкил этишнинг зарурияти вужудга келади. Мазкур тадқиқот ишида аналитик ҳисоб тизимини ташкил этиш учун компютердаги бухгалтерия дастурларидан фойдаланиш таклиф қилинмоқда, ва у ерда эгри ўзгарувчан харажатларни белгилаш учун рақам ёки харф кўринишида ифода этиш таклиф қилинмоқда, масалан Дебет 2511/Ў, доимий эгри харажатларни ҳисоби учун эса - 2512/Д.

3100 “Келгуси давр харажатлари” счёти ушбу ҳисобот даврида қилинган, лекин келгусидаги ҳисобот даврларига тааллуқли бўлган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиришга хизмат қилади. Бизнинг ҳолатда, бу ерда норелевант харажатлар ҳисобга олинади, яъни қишги мавсумга мўлжалланган канат йўлини, ёки каналарни ёзда сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар. Шунингдек, мавсумий характерга эга бўлган тайёргарлик ишлари билан боғлиқ харажатлар.

#### **4-жадвал**

#### **Туризм ташкилотларида харажатлар ҳисобининг синтетик ва аналитик ҳисоби тизими<sup>13</sup>**

Харажатларнинг номланиши	Бухгалтерия счётларининг номланиши ва номери
<b>Туризм ташкилот бўлинмалари тўғри харажатлари</b>	2000 «Асосий ишлаб чиқариш» 3100 «Келгуси давр харажатлари»
Миллий ва хорижий мол етказиб	

<sup>12</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>13</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

берувчилардан туризм маҳсулотларни ва хизматларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар	2000, 3100
Сотишдан олдин қилинадиган тайёргарликлар учун харажатлар	2000,3100
Транспорт харажатлари	2000,3100
<b>Туризм ташкилот бўлинмалари эгри харажатлари</b>	2500 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» 9410 «Сотиш харажатлари» 9400 «Давр харажатлари»
<b>Ўзгарувчан харажатлар</b> Турмаҳсулот айланмасидан иш ҳақи Транспорт харажатлари (юк ташиш, маҳаллий) Реклама харажатлари Солиқлар ва ҳ.	2511/Ў«Ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатлари»
<b>Доимий харажатлар</b> Иш ҳақи фонди Ижтимоий соҳадаги харажатлар Хавфсизлик Вакиллик харажатлари Бино ва иншоотларни таъмирлаш Алоқа хизматлари ва ҳ.	2512/Д «Доимий умумишлаб чиқариш харажатлари» 9412/Д «Доимий сотиш харажатлари» 9400/Д «Давр харажатлари»

Юқоридаги маълумотларни умумлаштириб, туризм ташкилотларида харажатлар ҳисобидаги ҳисоб ёзувлари усулларини ташкил этишда, қуйидагилар таклиф қилинди:

туризм ташкилотининг тўғри харажатларини 2000 “Асосий ишлаб чиқариш” счётининг дебетида йиғиб бориш; (4-жадвал);

эгри харажатларни 2500,9400, 9410 счётларда ҳисобга олиш;

тўғри ва эгри харажатлар аналитик ҳисобини бўлинмалар бўйича маҳсус бошқарув ҳисоби усуллари ва бўлинмаларни таснифлаш тизими асосида олиб бориш;

эгри харажатлар аналитик ҳисобини ўзгарувчан ва доимий қисмда олиб бориш, ва уларга тегишли бўлган счётларни таснифлаш (мисол учун, Ў-ўзгарувчан харажатлар, Д-доимий харажатлар).

Фикримизча, таклиф этилган харажатлар таснифи асосида тузилган ҳисоб юритиш ёзувлари тизими бухгалтерия ҳисобини ҳам молиявий, ҳам бошқарув ҳисоби мақсадлари учун ташкил этиш имконини беради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Туризм соҳаси корхоналарида бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлили натижалари асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари”** га бағишланган бўлиб, олиб борилган тадқиқотлар асосида туризм корхоналар фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи, аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари тақомиллаштириш, туризм соҳасида бошқарув ҳисоби ва таҳлилин тақомиллаштириш йўналишида туризм корхоналар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати ва самарадорлигини ҳамда самарадорлик кўрсаткичларига таъсир этувчи бошқа бир гуруҳ омиллар таъсирини

ҳисоблаш йўлларини ишлаб чиқиш ва мазкур кўрсаткичларни яхшилаш бўйича ички имкониятларни аниқлаб бошқарув қарорларини қабул қилиш тартибини ишлаб чиқишга қаратилган.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, туризм тармоқларида ҳам харажатлар самарадорлиги бир қанча кўрсаткичлар билан ифодаланади. Буларга:

- харажатларнинг натижавийлиги
- харажатларнинг даромадлилиги
- харажатларнинг рентабеллиги

